2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1487-ҳадис

الدرس الثاني والثلاثون

في أذكار وأدعية نبوية تقال في الصباح والمساء

32-дарс

Тонг ва кечқурунда айтиладиган набавий дуолар ва зикрлар хусусида

وقال تعالى : {يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْراً كَثِيراً * وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلاً} [الأحزاب (41، 42)].

«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эрта-ю, кеч У Зотни поклаб, тасбеҳ айтинглар» (Аҳзоб сураси, 41-42-оятлар).

قَالَ اللهِ تَعَالَى : {وَاذْكُرْ رَبَّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِيفَةً وَدُونَ الجَهْرِ مِنَ القَوْلِ بِالغُدُوِّ وَالآصَالِ وَلاَ تَكُنْ مِنَ الغَافِلِينَ} [الأعراف (205)].

Аллоҳ Таоло: «**Парвардигорингизни ичингизда ёлбориб, қўрқиб, дилдан эртаю, кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг**» (Аъроф сураси,205-оят).

وقال تَعَالَى : {وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا} [طه (130)].

«**Қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У Зотни) покланг – намоз ўқинг**». (Тоҳо сураси, 130-оят).

وقال تعالى : {وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ بِالْعَشِيِّ وَالْإِبْكَارِ} [غافر (55)].

«**Туну кун Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан** (У Зотни) покланг. (Ғофир сураси, 55-оят).

وقال تَعَالَى : {فِي بُيُوتٍ أَذِنَ اللهُ أَنْ تُرْفَعَ وَيُذْكَرَ فِيهَا

اسْمُهُ يُسَبِّحُ لَهُ فِيهَا بالغُدُوِّ وَالآصَالِ * رِجَالٌ لا
تُلْهِيهِمْ تِجَارَةٌ وَلا بَيْعٌ عَن ذِكْرِ اللهِ **... }** الآية **[النور (36، 37)].**

«(У чироқ) **бир уйларда** (яъни масжидларда ёқилурки), **Аллоҳ уларни баланд кўтариб, (бино) қилинишга ва уларда ўзининг номи зикр қилинишига изн берган** (яъни амр қилган) **эди**. (У масжидларда) **эртаю-кеч У зотни поклайдиган кишилар борки, уларни на тижорат ва на олди-сотти Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўкис адо этишдан ва закотни** (ҳақдорларга) **ато этишдан машғул қила олмас**» (Нур сураси, 36-оят).

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ *
صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَالَ حِينَ يُصْبِحُ وَحِينَ
يُمْسِي: سُبْحَانَ اللهِ وَبِحَمْدِهِ مِائَةَ مَرَّةٍ لَمْ يأْتِ أَحَدٌ
يَوْمَ القِيَامَةِ بِأَفْضَلَ مِمَّا جَاءَ بِهِ، إِلاَّ أَحَدٌ قَالَ
مِثْلَ مَا قَالَ أَوْ زَادَ.». رَوَاهُ مُسْلِمٌ

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Ким тонг отганда ва кеч кирганда «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деб юз марта айтса, Қиёмат куни бирор киши ундан афзал бўла олмайди. Фақатгина у каби айтса ёки ундан зиёда қилса афзал бўлади холос**», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI